

9 май - Хотира ва қадрлаш куни олдидан Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов, сектор раҳбарлари, ҳарбийлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар вакиллари бугун яна уч нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси - Термиз туманида яшовчи Кенжа Султонов (“Дўстлик”), Файзи Пўлатов (“Учқизил”) ҳамда Термиз шаҳрилик Шерали Ҳайдаров (“Гулираъно”) хонадонига байрам кайфиятини олиб киришди.

Вилоят ҳокими ҳар учала уруш фахрийсига давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттириб, 12 миллион сўмдан пул, “Шон-шараф” музейи гумбази устига ўрнатилган ўзбек қаҳрамонларининг ҳайкали тасвирланган эсдалик совғасини топширди.